

## ИККИ ҚАТЛАМЛИ ТРИКОТАЖ ТҮҚИМАСИННИГ ТЕХНОЛОГИК КҮРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10084861>

доц. Гуляева Г.Х., проф. Мұқимов М.М., магистрант Агзамова С  
Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институты

**Мақола:** устки трикотаж маҳсулотлари учун мүлжалланган икки қатламли трикотаж түқималарининг технологик күрсаткичлари таҳлил натижалари келтирилган.

**В статье:** приведены результаты анализа технологических параметров двухслойных трикотажных полотен для верхних трикотажных изделий.

**The article:** presents the results of the analysis of technological parameters of two-layer knitted fabrics for outerwear.

Республикада түқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, бевосита хорижий сармояларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, такомиллашган “кластер модели”ни жорий қилиш орқали стратегик аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига юқори технологик янги иш ўринларини яратишга йўналтирилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда [1].

Трикотаж түқималари ассортиментини ва PROTTI русумли 14 класс ясси икки ингадонли машинанинг технологик имкониятларини кенгайтириш мақсадида бир қатлами пресс түқимасидан, иккинчи қатлами эса 1вариантда пресс түқимаси, 2 вариантда гладь түқимаси, 3 вариантда хосилали гладь түқимасидан ҳосил бўлган икки қатламли трикотажнинг тузилиши ва олиш усули ишлаб чиқилди. Икки қатламли трикотаж түқимасининг иккала қатлами ҳам чизиқли зичлиги 20 текс x 3 бўлган эга бўлган йигирилган пахта ипидан ишлаб чиқарилган. Бириктирувчи ип сифатида чизиқли зичлиги 70 денье (7,8 текс) бўлган лайкра ипидан фойдаланилган. Икки қатламли трикотаж түқималарининг технологик күрсаткичлари стандарт услуби бўйича аниқланиб, олинган натижалар жадвалда келтирилган.

Матонинг юза зичлиги анъанавий тарзда хом ашё сарфи күрсаткичи ҳисобланади. Маълумки, трикотаж түқимаси юза зичлигини камайтириш эксплуатацион ва гигиеник хусусиятлари ўзгаришига олиб келади [2-3]. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида матонинг хом ашё сарфи ва сифатини тавсифловчи күрсаткич киритилган. Енгиллаштирилган трикотаж түқима тузилиши бундай күрсаткичлар турига киради, унда түқиманинг юза зичлиги билан бир қаторда қалинлиги ҳам

ҳисобга олинади. Енгиллаштирилган трикотаж тузилишининг кўрсаткичи сифатида ҳажмий зичликдан фойдаланиш мумкин.

Таҳлил натижалари бўйича ҳалқа қадами, ҳалқа қатори баландлиги, горизонтал ва вертикал бўйича зичлик, ҳалқа ипи үзунлиги каби технологик кўрсаткичлар аниқланади. У ҳолда бу тузилишнинг енгиллаштирилганлик кўрсаткичини икки ўлчамли омилда эмас (юза зичлиги), балки, уч ўлчамли омилда (ҳажмий зичлик) аниқлаш лозим. Трикотаж тўқимасининг ҳажмий зичлиги ҳажм бирлигига нисбатан тўқимачилик иплари миқдорини кўрсатади.

### Жадвал

Икки қатlamli trikotaj t'okimalari ning texnologik k'orsatkichlari

№	K'orsatkichlар	Икки қатlamli trikotaj variantlari			
		1	2	3	
1	Ҳалқа қадами, A (мм)	1,67	1,43	1,43	
2	Ҳалқа қатори баландлиги, B (мм)	1,43	1,67/0,9	1,67/1,25	
3	Горизонтал бўйича зичлик, Pg	30	35	35	
4	Вертикал бўйича зичлик, Pv	35	30/55	30/40	
5	Ҳалқа ипи үзунлиги l, мм	Олд қатlam	5	5,1	5,2
		Орқа қатlamasi	5	4,9	3,6
6	Тrikotajning юза зичлиги, Ms, г /м <sup>2</sup>	459	460	536	
7	Қалинлиги ,T мм	1,73	1,98	1,8	
	Тrikotajning ҳажмий зичлиги, δ мг/см <sup>3</sup>	265,3	232,3	297,8	

Ишлаб чиқилган икки қатlamli trikotaj намуналари ичida энг кам ҳажмий зичликга эга бўлган намуна иккинchi вариантdir. Унинг ҳажмий зичлиги биринчи варинатга нисбатан 12,5 % га кам, учинчи вариантаға нисбатан эса 21,8 % га камdir. Бундай ўзгаришга икки қатlamli trikotajning бир қатlamini тўқишида пресс тўқима ўрнига глад тўқимасидан фойдаланилганлиги ҳисобига эришилган.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-trikotaj саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон қарори.

2. N. R. Khankhadjaeva, A. G. Nabiev, F. M. Riskalieva. Research of Loop Transferred Structures on V-Bed Flat Knitting Machine. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878. Volume-8 Issue-6, March 2020. Pages 2565-2570.

3. Yang Yang, Xin Yu, Liqun Chen and Peihua Zhang. Effect of knitting structure and yarn composition on thermal comfort properties of bi-layer knitted fabrics. // Textile Research Journal. 2020y. June. –pp.1–15.